

Ибратли ҳикоят



15:00 / 07.10.2020 7076

Муҳаммад ибн Юсуф Фарёбий ҳикоя қиладилар: «Бир неча асҳобларим билан Абу Синонни (Аллоҳ раҳмат қилсин) зиёрат қилгани бордик. У зотнинг ҳузурларига кириб ўтирганимиздан кейин: «Қўшнимизнинг акаси қазо қилган. Юринглар, уникига таъзияга чиқамиз», дедилар. Ҳаммамиз туриб, азадорникига бордик. У акасининг ўлимидан жуда бетоқат бўлиб йиғлар эди. Биз унга таъзия билдириб, тасалли бердик. У таъзияга ҳам, тасаллига ҳам қулоқ солмас эди. Унга: «Ўлим ҳамманинг бошида борлигини билмайсанми?» деган эдик, «Биламан, бироқ акам туну кун азобланаётгани мени қон йиғлатмоқда», деди. «Аллоҳ сенга ғайбни билдирдими?» деб сўраган эдик. «Йўқ, лекин акамнинг юзига тупроқ тортиб дафн қилгандан ва одамлар тарқаб кетгандан сўнг қабри ёнига чўкдим. Шу пайт қабридан: «Оҳ, мени ўз ҳолимга қўйинглар, мени азобламанглар. Мен намоз ўқирдим, рўза тутардим», деган овоз эшитилди. Бу гапдан мен йиғлаб юбордим ва аҳволини кўриш учун қабрини кавладим. Лаҳадда олов алангаланиб турар ва унинг бўйнида олов бўйинбоғ бор эди. Укалик меҳрим қўзиб, бўйинбоғни олиш мақсадида қўлимни узатдим. Бармоқларим ва қўлларим куйиб қолди», деди-да, қўлларини чиқариб кўрсатди. У куйиб қоп-қора бўлиб кетган эди. Сўзида давом этиб айтди: «Уни қайтадан кўмиб, қайтиб келдим. Унинг бу ҳолига қандай қилиб йиғламаслик ва хафа бўлмаслик мумкин?!». «Акангиз тириклигида нима амал қилар эди?» сўрадик биз. «Мол-мулкнинг закотини бермас эди», деди. «Бу Аллоҳ таолонинг:

«Аллоҳ фазлу карами билан ато қилган нарсаларнинг (зақотини) беришга бахиллик қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонликдир. Бахиллик қилиб бермаган нарсалари қиёмат кунида бўйинларига ўралажак!» (Оли-Имрон сураси, 180-оят) деган каломининг тасдиғидир. Азоб акангизга қиёмат кунигача қабрида бериладиган бўлибди-да», дедик».

Аллоҳдан афв ва офият тилаймиз. Албатта, У саховатли, марҳаматли зотдир.

"Гуноҳи кабиралар" китобидан